

# "Ўзкимёсаноат" АЖ халқаро ESG рейтингда юқори поғонага кўтарилди

// 23.02.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-halqaro-esg-reytingida-yuqori-pogonaga-kut>



S&P Global

## "O'zkimyosanoat" AJ xalqaro ESG reytingida yuqori pog'onaga ko'tarildi



Korporativ boshqaruv | Risk -menejment  
Axborot xavfsizligi | Inson kapitali

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармони талабларига мувофиқ, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда очиқлик ва корпоратив бошқарув стандартларини кучайтириш доирасида "Ўзкимёсаноат" АЖ томонидан халқаро ESG рейтингини олиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Жамият S&P Global халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, 2025 йил 17

февралда илк бор ESG рейтингига эга бўлган. Баҳолаш натижаларига кўра, жамият 29 балл тўплаб, Ўзбекистонда ушбу агентлик томонидан ESG рейтингини берилган биринчи компания сифатида эътироф этилган.

Барқарор ривожланиш, экологик масъулият ва самарали корпоратив бошқарув йўналишларида амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида жорий йилда "Ўзкимёсаноат" АЖнинг ESG кўрсаткичи 36 баллга етди.

Баҳолашда қуйидаги йўналишлар асосий ўрин тутди:

- корпоратив бошқарувни такомиллаштириш;
- риск-менежмент тизимини мустаҳкамлаш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- инсон капиталини бошқариш.

Мазкур ютуқлар "Ўзкимёсаноат АЖ" да ESG тамойилларини тизимли жорий этиш ва халқаро стандартларга мувофиқ фаолият юритиш борасида олиб борилаётган ислохотлар самарасини тасдиқлайди.